# ИМКОНИЯТГА ЯРАША ИШЛАЙЛИК

1

*Хабар қилганимиздек, Наманганда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан жамғарма бўлимлари иш фаолиятининг йўналишларини белгилашга доир минтақавий семинар-кенгаш бўлиб ўтди.*

*Жамғарманинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда туман бўлимлари раислари, ўринбосарлари иштирокидаги анжуманда вилоят ҳокими Б.Рапиғалиев сўз олиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар, «Камолот» жамғармасининг вилоят бўлимини ҳокимлик томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги хусусида тўхталиб, қатнашчиларни табриклади.*

*Семинар иштирокчилари Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М. Қирғизбоевнинг «Камолот» жамғармаси вилоят, шаҳар, туман бўлимлари ва жамоатчилик марказларининг ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, жамғарманинг ташкилий-услубий ишларини такомиллаштиришга доир дастурий мақсадларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар» ҳақидаги маърузасини тингладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси, Олий Мажлис депутати А. Йўлдошев «Республикада ёшлар тадбиркорлигини шакллантириш ва ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга оид», Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими мудири, педагогика фанлари доктори, профессор О. Мусурмонова «Юксак маънавият— келажак пойдевори», Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши инсонпарварлик ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими мудири А. Муҳаммаджонов «Ёшларни соғломлаштириш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш юзасидаги тавсиялар»га тўхталиб, ўз мулоҳазаларини билдиришди. Наманган вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ў. Қўлдошев «Ватан ҳимояси— шарафли бурчдир», Наманган вилоят ҳокими спорт ва жисмоний тарбия қўмитасининг раиси Ш. Қорабоев «Соғлом авлод учун кураш — барчанинг иши» мавзуидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.*

*Семинар-кенгашда жамғарма бўлимлари иш фаолиятининг йўналишларини белгилашга доир қизғин савол-жавоблар бўлиб, фикр алмашилди.*

*Анжумандан сўнг «Туркистон» газетаси таҳририяти Фарғона водийси фаоллари билан давра суҳбати ўтказди. У жамғарманинг ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, ташкилий-услубий ишларни такомиллаштириш масалаларига бағишланди. Суҳбатни жамғарма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М. Қирғизбоев бошқарди. Шаҳар, туман бўлимлари раислари, ўринбосарлари ўзларини ўйлантираётган масалалар юзасидан очиқ, дадил фикр-мулоҳазаларини айтишди. Шу боис Жамғарма таянч бўғини фаолларининг ёшларга хос жўшқинлиги, ёниб яшашга интилаётганликлари бизни мазкур давра суҳбатини ўтказишимизга туртки берди. Дастлабки қўйган қадамлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирган суҳбатдошларимиз жамғарманинг жамоатчилик марказида, шаҳар, туман, вилоят хусусан, республикадаги нуфузини, таъсирини ошириш юзасидан берган саволларимизга ўз жавобларини бир-бирларидан фарқли тарзда ифодалашди.*

**МУҚИМЖОН ҚИРҒИЗБОЕВ,**

**«Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари:**

— «Камолот» жамғармаси миллий истиқлолимиз шарофати ва Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ҳамда мурувватининг амалдаги натижасидир. Жамғарма ва унинг тизимлари ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўтиш давридаги ислоҳотларда ёшларимиз иштирокини кенг таъминлаш каби мақсадларни амалга оширишга йўғрилган.

Ташкилотимиз энг аввало кўп жойларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган, стихияли ёшлар ҳаётини онгли ҳаракатга айлантиришдек ташкилий барқарор муҳитни барпо этади. Қолаверса, жамғарма фаолиятига тортилган ёшларимизнинг меҳнати, ижоди, истеъдоди ва бошқа яратувчилик манбаалари муштарак бўлиб, мамлакатимизнинг келажак равнақи учун борлиғича ўз куч ва имкониятларини сарфлашга имкон беради.

Ҳар қандай ислоҳотлар ҳам ўзида фуқароларнинг интилишлари, эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодалай олгандагина, у бутун халқнинг яратувчилик қудратини ўз ривожи учун сарфланишига эриша олади. Ёшлар олами билан ислоҳотлар натижалари ўртасидаги ўзаро манфаатдорлик, ёшлар эҳтиёжлари, орзу-умидлари билан ҳукуматимиз фаолиятидаги ўзаро уйғунлик жамғармамиз воситасидагина амалга ошириш мумкин эканлигига бугун ҳар бир йигит ва қиз амин бўлмоқда.

Бугунга қадар ҳар бир туман ва шаҳарларда жамғармамизнинг бўлимлари очилди. Тез кунларда ҳар бир ўқув юртида, маҳаллада, меҳнат жамоаларида жамғармамизнинг жамоатчилик марказлари ташкил этилади.

Бугунги давра суҳбати иштирокчилари ўтган уч ойлик шаклланиш давридаги ўз ютуқлари, юз тутган муаммолари, уларни ҳал қилишнинг илк тажрибалари ҳақида фикр билдирсалар, суҳбатимиз фойдадан ҳоли бўлмас эди.

**РОЗА УСМОНОХУНОВА,**

**«Камолот» жамғармаси Қўрғонтепа туман бўлими раиси:**

—Шу кунга қадар туман ҳокимлиги, «Соғлом авлод» жамғармаси ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан

2

ҳамкорликда иш юритиб келаяпмиз. Айтмоқчи бўлганим, бугунги кунда бизни ўйлантираётган, қийнаётган муаммолар жамғармани янада дадил оёққа туришини талаб қилаяпти. Масалан, ёшларни иш билан банд қилиш, уларга янги-янги иш жойларини ташкил этиш лозим. Албатта, катта шаҳарларда қишлоқларга нисбатан ёшларга шароит етарли. Чунки улар замонавий техникалар билан таъминланмоқда. Қишлоқларда эса ҳали бу борада айтарли гап йўқ. Шу боис ҳам биз кўпроқ дала ва уйини билаётган, баъзан бўш вақтларини бефойда ўтказаётган қишлоқ ёшларини маданий ҳордиқ чиқаришларига, турли тадбирларда фаол иштирок этишларига шароит яратишга ҳаракат қиляпмиз. Уларда «Камолот» га нисбатан ишонч, қизиқишни уйғотиш бош вазифамизга айланган. Бинобарин, бу борада дастлабки тадбирларни ўтказдик ҳам. Айни кунда истиқлолимизнинг 5 йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб жамоатчилик марказлари ўртасида танлов ўтказиб, тенгдошларимиз қалбида юртга меҳр-муҳаббат, миллий ғурурни шакллантиришни мўлжаллаяпмиз...

**УЛУҒБЕК ИСЛОМОВ,**

**«Камолот» жамғармаси Булоқбоши тумани булими раиси:**

— Кечирасиз Розахон, танлов ҳақида гап очганлигингиз айни муддао бўлди. Нуфузни, таъсирни оширишда ўз навбатида танловнинг ҳам ўрни катта. Масалан, республикамиз бўйлаб «Ҳамшира-96» кўрик-танловлари ўтказилганлиги кўпчиликда, хусусан тиббиёт соҳасидагиларда, айниқса катта таассурот қолдирди. Демак, мана шундай танлов ёш ўқитувчилар, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари ўртасида ҳам Республика миқёсида ўтказишни жамғарма ўз қўлига олиши керак. Шунда мамлакатимиздаги ҳар бир мактаб, институтда «Камолот»нинг таъсири, кучи, нафаси сезилади ва сафимиз янада кенгаяверади.

**БОТИР БОЙБОБОЕВ,**

**«Камолот» жамғармаси Тўрақўрғон тумани бўлими раиси:**

— Танловнинг ўтгани яхши. Бироқ жамғарма танлов ёки бошқа тадбирлар билан ўралашиб ҳам қолавермаслиги керак, менимча. Туман бўлимларининг раислари асосан қишлоқ ёшлари билан ишловчи етакчи бўлганлиги туфайли уларга амалий-услубий қўлланмалар, тавсиялар зарур. Ташкилий-услубий иш тажрибани тезроқ эгалламасдан туриб нуфузни ошириш қийин кечади. Бугунгидек семинар-кенгашни вилоят миқёсида ҳам тез-тез ўтказиб турилса, унда чет эллик ёшларнинг иштирокини таъминланса жуда яхши бўларди. Фикр алмашув вақти-вақти билан бўлиб турса, анча тажриба тўплашга эришамиз.

**ҚОБИЛЖОН ТОШБОЛТАЕВ,**

**«Камолот» жамғармаси Марҳамат тумани бўлими раиси:**

— Назаримда жамғарма фаолиятининг қандай бўлиши — бизларнинг, қолаверса, барча ёшларнинг жўшқин ҳаракати, ташаббускорлигига боғлиқ. Ҳозирда 28 та жамоатчилик марказини ташкил этган бўлсак, деярли барчасига ёшларнинг ўзлари ихтиёрий равишда киришди. Қувонарли томони шундаки, Президентимизнинг, Вазирлар Маҳкамасининг ворислар тақдири учун жиддий қайғураётганлигини дилдан ҳис этган аксарият ёшларимиз жамоатчилик марказларини маблағ билан таъминлашни ўз зиммаларига олишди.

Тенгдошларимиздаги мана шундай ташаббускорлик туфайли жамғарма қошида битта агрофирма ташкил этдик. Марҳамат ип-йигирув ҳиссадорлик жамиятининг амалий ёрдами туфайли агрофирма қошида тикувчилик цехи фаолият кўрсата бошлади. Туман ҳокимлиги жамғарманинг фаолиятига кенг эътибор қаратиб, қўллаб-қувватламоқда. Ишни қандай юритиш, мавқени кўтариш бизнинг, жамоатчилик марказидаги фаолларимизнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ.

**НАСИБА ЖЎРАЕВА,**

**«Камолот жамғармаси Наманган шаҳар бўлими раиси:**

— Сиз тўғри таъкидладингиз. Амалий ҳаракатгина жамғарманинг фаолиятини белгилайди. Биз июль ойида 30 та жамоатчилик марказини ташкил этдик. Ҳозир ташкилот ва муассасаларда суҳбат, мулоқотлар ўтказиб боряпмиз. Ҳаракатларимиз зое кетмай турса, шу ойнинг охирига қадар 73 та жамоатчилик маркази тузамиз. Жамоатчилик марказидаги фаолларимиз кўмагида маҳаллаларда, аҳоли зич жойларда ҳам худди шундай таянч бўғинларини ташкил этмоқчимиз. Агар жойларда кўплаб жамоатчилик марказларини ташкил этиб олсак, жамғарма нуфузини, таъсирини ошириш бирмунча енгиллашади. Боиси улар катта куч, катта вазифанинг уддасидан чиқишади. Тасаввур қилинг: маҳалла гузарлари, чойхоналарда бизларнинг вакилларимиз, фаолларимиз ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш, миллий урф-одат, қадриятларимизни эъзозлаш масалаларида тарғиботчи, ташвиқотчи ва ташкилотчилик масалаларини қўлларига олишади.

**РОЗА УСМОНОХУНОВА:**

— Насибахон жуда ўринли таклиф билдирди. Ёшлар ўртасида келиб чиқаётган ҳар қандай жиноятнинг илдизига маҳалладан бошлаб болта уриш мумкин. Маҳаллаларда ташкил этилажак жамоатчилик марказлари ташаббусни қўлга олишса, энг ўткир муаммолардан бирини камайтириш орқали ҳам мумкин қадар жамғарма нуфузини кўтарган бўламиз. Чунки, кўп ҳолларда мени ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик масалалари ўйлантиради.

**ҚОБИЛЖОН ТОШБОЛТАЕВ:**

—Ҳақиқатан ҳам маҳалла катта таянч бўғини бўлади. Яширишнинг ҳожати йўқ. Хоҳ шаҳар, хоҳ туманда қайси

3

маҳаллага борманг, ўспирин йигитларларга катталарнинг эътибори етарли эмас. Ана шунинг натижасида баъзи ёшлар ўртасида ҳатто наша чекувчилар ҳам бор. Кечки пайтлари алламаҳалгача кўча-куйда бефойда юришлар учрайди. Ачинарлиси, ҳали балоғот ёшига етмаган болакайлар папирос тутатишни ҳам бошлаб олишган. Агар Насибахон кўтарган масалага барча туман, шаҳарларда жиддий қараб, маҳаллаларда жамоатчилик марказларини ташкил этсак, жуда кўп савоб ишларнинг бошида турган бўламиз.

**АЮБХОН ЖЎРАБОЕВ,**

**— Жамғарманинг Наманган вилояти Давлатобод тумани бўлими раиси:**

— Ёшларни иш билан таъминлаш фикрига юз фоиз қўшиламан. Шаҳарда ҳам, туманда ҳам ёшларни албатта иш билан таъминлаш масаласини узил-кесил ҳал этиб борсак, жиноят ҳам келиб чиқмайди. Бекорчидан худо безор, деб бежиз айтишмаган-ку!

Биз меҳнат биржаси билан бу борада бирмунча ҳайрли ишларни бошлаб юбордик. Ёшлар ўртасида тадбиркорлик ва чинакам ишбилармонликни шакллантириш масаласига эътиборни қаратаётганлигимиз туфайли жамғарма қошида «Д—Камолот» кичик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Туман ҳокимлиги билан келишилган ҳолда «Жамғарма дастури» ишлаб чиқилмоқда. Албатта буни Республика «Камолот» жамғармаси эътиборига ҳавола этиб, фикрларини оламиз.

Яна туманимизда кўп миллатли ёшлар истиқомат қилганлиги туфайли уларни бир оила фарзандидек яшаши учун аниқ тадбирлар асосида иш юритяпмиз. Бир сўз билан айтганда, Ватан — саждагоҳ каби муқаддас эканлигини ёшларимиз қалбдан ҳис қилишлари йўлида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказаяпмиз. Туман ҳокимлиги ҳамда қатор ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаётганлиги сабаб 245 минг сўм маблағ ҳисобимизга тушди.

**АЗИЗЖОН ИСМОИЛОВ,**

**«Камолот» жамғармаси Ёзёвон тумани бўлими раиси:**

— Кечирасизлар, маблағ масаласида мен ҳам бир оғиз гапирмоқчиман. Қайсидир туман, шаҳар бўлимларига маблағлар ўз вақтида туширилаётгандир. Бироқ ҳаммасида ҳам иш яхши, деб бўлмайди. Аксарият туман бўлимларида ўтказилган таъсис йиғилишларидаги ваъда-ваъдалигича қолаётганини эшитдим. Гўёки, қайсидир таъсисчи ташкилот ёки муассасанинг вазирлиги Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси ҳисобига таъсисчи сифатида ўтказган маблағларини туман ёхуд шаҳарга ҳам тегишли, деб пайсалга солишмоқда экан. Ажаб эмас, бугунги семинар-кенгашдан сўнг туманларда ҳам маблағ тўла-тўкис ҳал қилинса.

**МУҲАММАДЖОН НОРҚЎЗИЕВ,**

**«Камолот» жамғармаси Марғилон шаҳар бўлими раиси:**

— Азизжоннинг гапларида жон бор. Тўғриси, бизга берилаётган катта имконият ва Низомдан келиб чиқадиган бўлсак, қиладиган ишларимиз кўлами кенг. Бироқ, қатор ташкилотлар томонидан бизга ваъда қилинган маълум миқдордаги маблағнинг тушиши яхши эмас. Шунинг учун баъзи бир мўлжаллаган режаларимизни амалга оширишда маблағ масаласи катта тўсиқ бўлиб қоляпти. Масалан, Марғилон шаҳрида ёшларнинг дам олиш марказини ташкил қилиш, миллий рақс ансамбли тузишни режалаштирганмиз. Лекин ҳозирча тушган мавжуд маблағ билан бунинг уддасидан чиқиш қийин кечмоқда. Агарда шу маблағни дабдурустдан ана шу мақсадга сарфлаб қўйсак, эртага бизни яна қўллаб-қувватлайдиган бошқа ташкилот қидириб юрмаслигимиз керак. Шунинг учун биз маблағни ҳаракатга келтириш мақсадида кичик корхона, фирмалар ташкил этишни мўлжаллаяпмиз.

**ШУҲРАТ КАРИМОВ,**

**«Камолот» жамғармаси Асака тумани бўлими раиси:**

— Сизлар балким ҳақдирсизлар. Ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўз муҳити, шароити фарқли! Лекин ҳар қандай шароитда ҳам Сиз билан бизнинг фаолларга таянган ҳолда иш юритишимиз жамғарманинг мавқеини кўтаради. Туманда 48 та жамоатчилик маркази ташкил этган бўлсак, улар билан маънавият, қадрият ҳамда иқтисодий ислоҳотлар юзасидан иш олиб боряпмиз. Қишлоқда ишсизликни камайтириш, айниқса, Президентимиз таъкидлаганларидек, кичик ва қўшма корхона, хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этишдек муаммоларни бартараф қилиш йўлларини излаяпмиз.

Ҳозирча иккита кичик корхонани ишга тушириш арафасида турибмиз. «Субҳидам» ва «Ойдин» деб номланган кичик корхоналар фаолиятини бошлаб олсак, шубҳасиз ишларимиз анча юришиб кетади. Тасарруфимизга ажратилган 16 гектар ерда деҳқончилик қилиб, дурустроқ даромад олишни кўзлаганмиз. Ишимизнинг бу дебочаларида албатта, туман ҳокимлиги, ҳомийларимизни ҳар лаҳза қўллаб-қувватлаётганлигини ҳис қилиб турибмиз.

**Насиба ЖЎРАЕВА:**

— Шуҳратжоннинг фикрига қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам борига-барака тарзида бўлса ҳам ҳаракатни бўшаштирмаслик керак. Масалан, бизга ҳам ҳозирча 255 минг сўм маблағ тушди. Қўл қовуштириб ўтирмасдан фаолият кўрсатаяпмиз. Белгиланган маблағнинг ҳаммасини тўла тушишини кутиб ўтирмай, 2 та кичик корхона очишга киришдик. Бор маблағни ҳаракатга келтириб турсак, таъсис йиғилишида ваъда қилинган қолган маблағ ҳам ҳисобимизга тушади. Шу боис тушкун кайфиятда бўлишдан кўра, дадилроқ ишга киришган маъқул.

**Улуғбек ИСЛОМОВ:**

— Менда яна бир таклиф бор эди. Болалар ва ўсмирлар уюшмасининг фаолияти туманларда анча яхши йўлга қўйилган. Бироқ, «Камолот» жамғармаси мамлакатимиз ворисларининг эртанги куни ҳақида қайғуриб яшар экан, болалар уюшмаси Республика Кенгаши фаолиятини ҳам кенгайтириш керак. Бу масалага қанчалик тез эътибор берилса, ҳаммамизнинг ягона мақсад йўлидаги ҳаракатларимизга яхши бўларди.

4

**Ботир БОЙБОБОЕВ:**

— Яхши таклиф. Юртбошимиз «Ёшлар савоб ишларимизнинг эртанги давомчиларидир» деб бежиз таъкидламадилар. Шунинг учун мактаб ўқувчиларининг ҳар бир муаммоси устида жиддий, кўпчилик бўлиб бош қотириб, уни вақтида ҳал этиб борсак, келажаги Буюк давлатимизнинг муносиб ворислари етишиб чиқади. Шундагина жамғарма Низомидаги мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқарган бўламиз.

**Нурабо ИСОЖОНОВА:**

**Қувасой туман бўлими раисининг муовини:**

— Тўғриси, бугунги йиғилиш менга кўп нарса берди. Ишлаш принципимизни тубдан такомиллаштиришимиз, давр талаблари асосида фаолият кўрсатишимиз лозимлиги намоён бўлди.

Ҳозирги кунда биз ҳам туманимизда жамғарма фаолиятини яхшилаб йўлга қўйиб олиш устида иш олиб боряпмиз. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жумладан, кичик цемент заводини ишга туширишни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз.

**Мавлуда ҚУРБОНОВА:**

**«Камолот» жамғармаси Тошлоқ тумани бўлими раиси:**

— Фикримча, ҳар бир ташкилотнинг ютуғи ҳам иқтисодий, ҳам ташкилий, ҳам маданий-маърифий фаолияти бўлсин, ишни қандай қилиб ташкил этилганига боғлиқ. Биз ҳам баҳоли қудрат бу борада меҳнат қилмоқдамиз. Ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, маънавий камол топишига қаратилган қатор режаларимиз мавжуд. Ушбу режаларни амалга ошириш учун дастлабки маблағ — капитал зарур. Лекин ҳозирча маблағимизнинг озлиги мақсадларимизни рўёбга чиқариш учун камлик қилади. Шунга қарамай, кимдандир пул сўраб, иш кўришни нотўғри деб биламан. Шу боис, бўлимимиз қошида кичик корхоналар, турли йўналишдаги фирмалар очишни кўзлаб қўйганмиз.

**Нўъмон РАҲМОНОВ,**

**Андижон вилояти Пахтаобод туман бўлими раиси:**

— Жамғарманинг фаолият кўрсатиши биз ёшларнинг турли муаммо ва масалаларини ижобий ҳал этиш учун катта имкониятлар яратди. Зотан, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан жамғарма даромад солиқларидан озод этилгани ёшларни жамғарма қошида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бўлган иштиёқини янада оширди. Жумладан, ҳокимимизнинг кўмаги билан буғдойдан бўшаган 150 гектар ерга такрорий экишни ўз қўлимизга олдик. Бу албатта бизга иқтисодий фойда олиш билан, туманда ёшлар ўртасида ишсизлик масаласини ижобий ҳал этиш учун имкон яратади. Шуларни ҳисоб-китоб қилиб, пахта далаларидан яна 200 гектар ерни ишлаш учун ўз қарамоғимизга олмоқчимиз.

**Насиба ЖЎРАЕВА:**

— Ҳозирги кунда бизнинг асосий вазифамиз жамғарманинг ташкилий тизимини такомиллаштириш бўлиб турибди. Шу нуқтаи назардан, ёшлар ўқиб меҳнат қилаётган жамоаларда жамғарманинг жамоатчилик марказларини тузиш борасида иш олиб боряпмиз.

Шунингдек, тадбиркорлар ва ишбилармонлар даврига айланган бугунги замон ҳар кимдан ташаббускорликни талаб этади. Кичик корхоналар очиш, уларнинг ҳисобига ёшларни иш билан банд этиш масаласини ҳал этиш, тушган фойдага эса ёшларни ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий ва маънавий ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳамда ўзларининг ташаббускорлик хусусиятларини намоён этиш учун ёшларга кенг имкониятлар яратиш бугунги куннинг асосий мезонидир.

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ:**

— Маълум бўлдики, энг асосийси, ёшларимиз ўртасида иш бошланган. Ёшлар учун иш жойлари ташкил қилиш, улар бўш вақтини зое кетказмасликка ҳаракат қилиш, меҳнат жамоаларида турли тадбирлар ўтказиш оммавий тус олмоқда.

Менимча, бизнинг энг асосий эътиборимиз ёшларни фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш, улар маънавий дунёқарашини баркамол бўлишига қаратишимиз зарур. Айниқса, бугунги кунда ҳар биримиз Ватан туйғуси билан яшашимиз керак. Келажагимизнинг буюк бўлиши бизнинг қалбимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусининг нечоғлиқ бўлишига боғлиқ.

Ёшларимизнинг қалби, дунёқараши ва ҳатти-ҳаракати қанчалик мутеликдан озод бўлса, ҳаракатимиз шунчалик ижодий ва сермаҳсул бўлади. Ички дунёмиз ва кўнглимиз Ватан тақдиридан қанчалик бехавотир бўлса, ижтимоий барқарорлигимиз шунчалик сермаҳсул бўлади. Тинчлик, ижтимоий барқарорликкина юртимизнинг фаровон бўлишини таъминлаши ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги давра суҳбатидан маълум бўлдики, улуғ ғоя — миллий истиқлолимиз ва Ватан туйғуси ёшларимиз турмуш тарзига тезлик билан кириб бормоқда. Ўз ўрнида, ёшларимиз ҳам «Камолот» жамғармаси тузилишини қониқиш билан кутиб олмоқдалар.

**А. ФОЗИЛОВ,**
**О. ИНОМОВ.**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

*Ҳа, «Камолот» шаклланиш даврини бошидан кечирмоқда. Суҳбатдошларимизнинг баҳсларга бой фикр-мулоҳазалари, ёш авлоднинг баркамол вояга етиши юзасидан таклифлари жамғарманинг шаҳар, туман бўлимлари раислари, уларнинг атрофига жипслашган жўшқин йигит-қизлар ислоҳотларимизнинг ҳақиқий давомчилари эканлигидан далолат беради. Ўтиш даврининг ўткир муаммоларини енгишга астойдил бел боғлаган «Камолот»нинг шижоаткор етакчилари минтақавий семинар-кенгаш баҳонасида таъбир жоиз бўлса, «қуролланиб» олдилар. Қалбларида Ватан, миллий ғурур ҳис-туйғуси жўшиб турган ёшлар сардорларининг эса ҳали олдинда қиладиган ишлари кўп. Меҳнат жамоаларида, аҳоли истиқомат жойлари ҳамда туман, вилоятда жамғарманинг ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаши учун катта имкониятлар берилди. Энди ҳамма гап уларнинг чинакамига ишлашида қоляпти.*



# ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ:

## давлат суғуртаси бўйича бадалларни индексация қилиш ниҳоясига етди, уларни аҳолига тўлаш бошланди

**Тошкент шаҳар Давлат суғуртаси бошқармасининг бошлиғи Раимжон Умарович УМАРОВ маълум қилади:**

Нафақат бизнинг мамлакатимиз, балки бутун дунёда яшовчи кишиларга яхши маълумки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг асосий йўналиши даражасига кўтарилгандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони фикримизнинг ёрқин исботи бўлди.

Мазкур Фармон туфайли миллионлаб фуқароларнинг жамғарма банкига қўйган пуллари ва тузган узоқ муддатли суғурта шартномалари ўз қадр-қимматини топди. Биринчи июлдан бошлаб фуқароларга индексацияланган пул маблағларини қайтариш бошланди. Бу одамлар кайфиятига муайян даражада таъсир ўтказди. Уларда умид уйғонади ва Давлат суғуртаси органларига бўлган ишонч мустаҳкамланди. Одамлар яна бизга мурожаат қила бошладилар, ҳаётини суғурта қилиш, қўшимча нафақалар, фуқаролик жавобгарлиги ва бошқа турлар бўйича янги суғурта шартномалар сони сезиларли даражада кўпайди.

Юртбошимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги Фармони фуқароларимизни ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат сиёсатининг амалдаги кўриниши бўлди, десак янглишмаймиз. Пул омонатлари ва суғурта бадалларининг эгаларига қайтарилиши — республика мустақилликка эришганининг бевосита оқибатидир; Ўзбекистонда Президентимиз раҳбарлигида бозор иқтисодиёти талабларига асосланган, фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондиришга қодир бўлган ҳуқуқий демократик давлат қуриш дастури ишлаб чиқилганлиги учун шундай қилиш мумкин бўлди.

Индексация ва узоқ муддатли суғурта бўйича балалларнинг тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом аниқ-равшан ифода қилиб берилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқиши биланоқ Давлат суғуртаси органларида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган индексация бўйича тадбирлар дарҳол ҳаётга тадбиқ этила бошланди. Ана шу ҳужжатга асосланиб Тошкент шаҳар давлат суғуртаси ходимлари жойлардаги фаолллар, туман ва шаҳар ҳокимиятлари кўмагида 20 декабрдан 31 мартга қадар узоқ муддатли суғурта турини индексация қилиш бўйича улкан ишларни амалга оширдилар.

Ушбу тадбирни бажариш учун давлат суғуртасининг барча ходимлари сафарбар қилинди. Дам олиш кунлари ва ишдан ташқари вақтларда ҳам суғурта ташкилотларида мунтазам равишда штаблар ишлаб турди, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди, маслаҳатлар берилди. Фуқароларга қулайлик туғдириш мақсадида Давлат суғуртаси барча бўлинмалари 31 мартгача дам олишсиз иш куни ташкил этдилар.

Бу улкан ишлар беш босқичда амалга оширилди. 1 январдан 15 февралгача бўлган биринчи босқичда индексация қилиниши зарур бўлган суғурта шартномаларнинг барча турлари қайта инвентаризациядан ўтказилди. Тошкент шаҳрида эса бундай шартномалар юз минглабдир! Шунингдек, суғурта шартномаларига мувофиқ тўланган ва 1992 йил 1 январгача шахсий счётларда қайд этилган бадаллар бўйича индексация пул миқдори ҳисоб-китоб қилинди.

15 февралдан 31 мартгача бўлган иккинчи босқичда Тошкент шаҳрининг барча суғурта органларида шартномалар бўйича бадаллар индексация қилиниб, индексация тўғрисидаги билдиришномалар суғурта эгаларига топширилди; шу асосда 1 апрелдан 10 апрелгача бўлган учинчи босқичда индексацияга тааллуқли шартномалар реестрлари ишлаб чиқилди, сўнгра улар тегишли комиссия томонидан тасдиқланиб, Халқ банки муассасаларига ўтказилди. Шу тариқа 10 апрелга қадар индексацияга тааллуқли барча шартномалар реестрларини Халқ банки бўлимларига топширишга эришилди.

Тўртинчи босқичда (11 апрелдан 30 июнгача бўлган муддат) Халқ банкига мурожаат этган суғурта эгаларига «Индексация» махсус счетлари очилиб, уларга янги омонат дафтарчаси берилди. Ушбу дафтарча асосида 1 июлдан эътиборан (бешинчи босқич) Халқ банкининг барча муассасаларида суғурта эгаларига индексация қилинган умумий сумманинг 10 фоизи миқдорида тўловлар тўлаш бошланди.

Суғурта эгаларининг қолган пуллари Вазирлар Маҳкамасининг қарорида қайд этилганидек, 2005 йилгача босқичма-босқич тўлаб борилади.

Албатта, киши ўзига боғлиқ бўлмаган қандайдир сабабларга кўра узоқ муддатли хизмат сафарида ёки касал бўлиб қолганлиги боисидан ўз вақтида Давлат суғурта органларига мурожаат қилолмаган ва унинг суғуртаси индексация қилинмай қолиб кетган ҳам бўлиши мумкин. Гарчанд битта-яримта бўлса-да шу масала юзасидан туман инспекцияларимизга мурожаат этишди, албатта ва улар узрли сабаблар кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этган ҳолларда бундай баҳсли масалалар ва эътирозларни кўриб чиқиш учун Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида тузилган индексация бўйича комиссиялар қарорига биноан истисно тариқасида уларнинг илтимослари қондирилди.

Пул омонатлари ва узоқ муддатли суғурта бадалларини индексация қилиш бўйича тадбирлар, табиийки, аҳолининг оилавий бюджетига сезиларли кўмак бўлди. Юқорида айтиб ўтганимдек: ҳозирнинг ўзидаёқ одамларда умидворлик ва Давлат суғурта органларига ишонч уйғонди.

Бироқ шуни ҳам тан олишимиз керакки, бу катта ишда Давлат суғурта органлари томонидан бир қанча камчилик-нуқсонлар ҳам содир этилди. Биз вақтида аралашиб, зарур чоралар кўрдик - айрим бошлиқлар ҳатто эгаллаб турган лавозимларидан четлаштирилди. Лекин аксарият ходимларимиз ажойиб ташкилий фаолият учун муносиб тақдирландилар. Кези келганда айниқса Миробод, Ҳамза, Сирғали, Чилонзор туманлари бўлинмаларимиз ишчилари ишидан мамнуният ҳосил қилаганлигини таъкидлашни истардим.

Инвентаризация ўтказилгандан сўнг, масалан, Миробод туманида индексация қилиниши лозим бўлган саккиз мингта шахсий счет борлиги аниқланди. Қисқа вақт ичида бу ерда нафақат дафтарча олиш учун катта миқдорда билдиришлар тоіпширилди, балки, шу билан бирликда ҳар бир суғурта эгаси билан яккама-якка тушунтириш ишлар ҳам олиб боришга тўғри келди. Ахир 1992 йил 1 январга бўлган давр учун қайд этилган 20 мингдан зиёд шахсий счетларгина эмас, балки низомга кўра индексация қилинмайдиган, яъни 1996 йилгача қисман амалда бўлмаган шахсий счетлар ҳам бор эдида.

Диққатга сазовар жойи шундаки, бу ерда ушбу тадбирни тезкорлик билан ўтказиш мақсадида қачонлардир корхоналар ва яшаш жойлари бўйича агент сифатида ишлаган, бугунги кунда нафақахўрлар ҳам жалб этилган. Дарвоқе, мазкур туман ҳудудидаги жамоа аъзолари Давлат суғуртаси мижозлари бўлган айрим корхона ва ташкилотлар раҳбарлари катта ёрдам қилганликларини алоҳида қайд этишни истардим. Уларнинг беғараз кўмаги туфайлигина биз суғурта эгалари рўйҳатини тузишимиз ва шу рўйхат бўйича билдиришларни расмийлаштиришимиз мумкин бўлди. Мисол тариқасида «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташгипротранс» тепловозремонт заводи, авиация техникуми ва бошқаларнинг номини келтиришим мумкин.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, қарийб ҳар куни биз ҳукумат ва Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан қатъий назорат ўрнатилганлигини сезиб турдик. Хусусан ҳокимият бизга ҳисоблаш техникаси, транспорт воситаси, ҳужжатларни жойларга тарқатиш ва бошқа кўплаб бирламчи ишларни адо этишда яқиндан ёрдам қилди.

Биз, айни вақтда, суғурта тўловларини аниқлашда қатнашган ва кўплаб масалаларни ечишда кўмаклашган шаҳар корхоналари ва ташкилотлар раҳбарлари ва бош муҳосибларига барча фаоллар ва маҳалла қўмиталарига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Биз суғуртачилардан давлатимиз шаънига кўплаб миннатдорлик сўзларини эшитамиз. Бу бежиз эмас. Ўтказилган ушбу тадбир натижасида Тошкент шаҳрида 26861 нафар суғурта эгасига Давлат суғурта органлари билдириши топширилди. Суғурта эгалари ҳаммаси бўлиб индексация қилинган катта пулга — 58 миллиондан ортиқ сўм соҳиби бўладилар. Бу, ҳақиқатан ҳам давлат томонидан қилинган катта ёрдамдир. Маълумки, Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида давлат суғуртаси ва омонатлари бўйича аҳолини қўллаб-қувватлаган биринчи давлатдир.

Биз бундан буён ҳам бу йўналишда тинимсиз ишлайверамиз. Бизнинг бурчимиз, барча суғурта ходимларининг бурчи - суғурта эгаларига хизмат қилишни яхшилашдан иборат. Чунки Давлат суғуртаси бу, юқори фоизлардан иборат бўлган молиявий барқарорлик, шу билан бирга юқори малакали профессионаллар кафолатлаган хизмат кўрсатиш ҳамдир.

# ТОШКЕНТДА ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ:

суғурта хизматларининг барча турлари







Суғурта қилишни унутмадингизми?..

## Ҳаётни суғурта қилиш

*Ҳаётингизни кўнгилли равишда суғурта қилишнинг энг оммавий узоқ муддатли турлари қуйидагилардир:*

- аралаш ҳаёт суғуртаси
- болалар суғуртаси
- никоҳ суғуртаси

*Ҳар бир тур учун суғурта қилишнинг муайян муддати белгиланади. Аралаш ҳаёт суғуртаси бўйича шартнома муддатини суғурта эгасининг ўзи танлайди. «Никоҳ суғуртаси» ва «Болалар суғуртаси» бўйича муддатлар суғурта эгаларининг истаги билан эмас, балки боланинг ёшига қараб танланади.*

*1994 йил ноябрдан бошлаб аралаш ҳаёт суғуртасининг қисқартирилган муддатли янги тури жорий қилинди. Шартнома 6 ойга ва бир йил муддатга тузилиши мумкин. Шартномалар фуқароларнинг ўзлари билан ҳамда ташкилот маблағи ҳисобидан тузилиши мумкин. 6 ойга тузилган шартнома бўйича суғурта муддати тугагач, суғурта суммаси индексацияга кўра 10 фоиз миқдорида тўланади, шартнома бўйича 1 йилга тузилган суғурта учун 20 фоиз пул олинади.*

## Қўшимча нафақа суғуртаси

*Қўшимча нафақа суғурта эгасига улар пенсия ёшига етганларидан сўнг, суғурта муддати тугаши билан ва шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган барча суғурта бадаллари тўланган ҳолларда умрбод тўланади.*

*Қўшимча нафақа суғурта шартномаси давлат суғурта органлари билан Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролар ўртасида тузилади.*

*Суғурта эгаси суғурта муддати тугагандан сўнг, суғурта шартномаси ниҳоясига етган вақтга кўра, Ўзбекистон Республикасида белгилаб қўйилган энг кам нафақа ҳажмида қўшимча нафақа олади.*

*Суғурта бадаллари бир йўла ёки ҳар ойда бир марта нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан ёки нақд пул бериш орқали тўланиши мумкин. Шартнома корхона маблағлари ҳисобидан тузилиши ҳам мумкин.*

## Фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси

*Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги 632-сонли қарорига мувофиқ 1995 йил биринчи январидан эътиборан транспорт воситаси ва бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларига фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси жорий қилинди.*

*Механик, транспорт воситаси эгаларининг учинчи шахс (жисмоний ёки юридик) соғлигига ёки мол-мулкига етказган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги суғурта объекти бўлиб ҳисобланади.*

*Шартноманинг бу тури бир календар йилида амал қилади.*

*Давлат суғурта органлари учун суғурта жавобгарлигининг охирги ҳажми қилиб суғурта расмийлаштирилган пайтда Ўзбекистон Республикасида белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари миқдорида қабул қилинган. Шу жумладан:*

*— мол-мулкка келтирилган талофатни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари миқдоригача;*
*— фуқаро соғлиғига етказилган зарарни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробари миқдоригача.*

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 9-«А» уй. Ҳамза метро бекати**

**Давлат суғуртаси Тошкент шаҳар бошқармаси**
**Телефонлар: 77-83-15, 77-83-16.**

